O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 25 ноябрь, № 230 (4129) Шанба

Ҳукуматимиз томонидан кўрилаётган амалий чора-тадбирлар ва яратилган қулай шарт-шароит туфайли юртимизда хорижий сармоядорлар иштирокида ташкил этилган қўшма корхоналар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Эътиборлиси, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган турли маҳсулотлар нафақат ички бозорни тўлдирмоқда, балки давлатимизнинг экспорт салоҳияти юксалишига ҳам хизмат қилаётир. Ана шундай жамоалардан бири — «Андижонкабель» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасидир.



ЭКСПОРТ — МИЛЛАТ ШАЪНИ

Таъкидлаш жоизки, ушбу корхонада ишлаб чиқаришга янги технологияларни жалб этиш орқали сифат ва маҳсулот унумдорлигига эришилмоқда. Мисол учун, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кейинги уч йилда салкам 500 фоизга ортгани бунга исбот бўла олади. Кейинги пайтда қўшма корхона томонидан қўшимча 8 турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани эса, унинг иқтисодий юксалишига замин яратди.

Албатта, "Даромадга яраша — буромад" дегандек, корхона аҳли Ҳомийлар ва шифокорлар йилида бир қатор хайрли тадбирларни ҳам амалга оширмоқда. Хусусан, таълим-тарбия муассасалари, кам таъминланган оилалар ва ёлғиз кишиларга баҳоли қудрат хайрия ёрдамлари кўрсатилмоқда.

СУРАТЛАРДА: қўшма корхона муҳандиси Сойибжон Худойназаров; ишлаб чиқариш цехида.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси **Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси**нинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Наслчилик тўғрисида"ги Қонуннинг Қашқадарё вилоятидаги ижроси муҳокама этилди.

Йиғилишда мазкур Қонуннинг бажарилиши юзасидан вилоятда муайян ишлар бажарилганлиги таъкидланди. Хусусан, Қонун асосида чорвачиликни ривожлантириш, чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, наслли моллар генофондини сақлаш, тармоқда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш бўйича вилоят ҳокимлигининг тегишли қарорлари ва меъёрий ҳужжатлари қабул қилиниб, ҳокимлик ҳузурида чорвачиликда наслчилик ишлари Давлат инспекцияси ташкил этилган. Бундан ташқари, вилоят миқёсида районлаштирилган қорамоллар, қоракўл қўйлар, қорабайир зотли отлар, оқ жунли эчкилар, хисори зотли қўйлар, асаларилларнинг турли зотлари аниқланиб, уларни мақсадли урчитиш амалиётга кенг татбиқ этилмоқда.

Тадбирда амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда ўз ечимини топмаган айрим муаммолар мавжудлигига ҳам эътибор қаратилди. Иштирокчилар қайд этганларидек, наслдор молларнинг маҳсулдорлик даражасини аниқлаш бўйича назорат соғимини белгиланган тартибда ўтказишни такомиллаштириш зарур. Шунингдек, вилоятдаги наслчилик бўйича фаолият кўрсатаётган зоотехник мутахассисларнинг малакасини ошириш ва замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш учун ўқув марказларини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Қўмитада кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

Парламент қуйи палатаси **Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси**нинг йиғилишида "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонуннинг Сурхондарё вилоятида ижро этилиши тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, мазкур вилоятда аҳолини иш билан таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилган. Вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари томонидан 2006-2007 йиллар даврида ушбу йўналиш бўйича дастурлар қабул қилинган. Шаҳар ва туман меҳнат бўлимлари томонидан ишсиз шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш учун ишлаб чиқиш корхоналари, касб-ҳунар коллежлари билан шартномалар тузилган. Хусусан, 2004 йилда 272 нафар фуқаро, 2005 йилда эса 351 нафар фуқаро ўқитилиб, уларнинг ишга жойлашишлари учун йўлланмалар берилган. Бундан ташқари, вилоятда янги иш ўринлари яратиш мақсадида Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2004-2006 йилнинг ўтган даври мобайнида 3 млрд. 345 млн. сўм миқдорида маблағ ажратилиб, 5564 та иш ўринлари яратилган.

Шу билан бирга, йиғилишда мазкур Қонун ижроси юзасидан йўл қўйилган айрим камчиликлар хусусида ҳам сўз юритилди. Жумладан, вилоятнинг Денов, Бойсун, Сариосиё, Узун, Шўрчи, Жарқўрғон туманларида аҳолини иш билан таъминлашга етарлича эътибор қаратилмаган. Айниқса, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактабларини битирган ёшларни иш билан таъминлаш масалалари талаб даражасида эмас. Мисол учун, 2005-2006 ўқув йилини тугаллаган ўрта ва ўрта махсус маълумотли ёшларнинг 30 фоизидан ортиғи иш билан таъминланмаган.

Йиғилиш иштирокчилари шу каби муаммоларни бартараф этиш юзасидан ўз таклифларини билдиришди. Кўриб чиқилган масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

* * *

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг **Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси**да яқинда Президентимиз томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган "Давлат бошқарувини



янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонун ва "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаларининг оммавий ахборот воситаларида ёритилишига бағишланган "Сиёсий ислоҳотлар жараёнида ОАВнинг ўрни ва роли" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирни Ахборот ва коммуникация масалалари қўмитаси раиси ўринбосари И. Соифназаров очиб, қонун лойиҳаларининг оммавий ахборот воситаларида ёритилишининг аҳамияти ниҳоятда муҳим эканлигини таъкидлади. Шу билан бирга, матбуот ходимларининг ўзлари ҳам ушбу ҳаётий зарур ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини теранроқ тушуниб олишлари керак лигига алоҳида урғу берд

Қонунчилик ва суд масалалари қўмитаси Н. Исмоилов умумхалқ муҳокамасига киритилган қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳияти тўғрисида сўз юритиб, фуқаролик жамияти асослари қурилаётган ҳозирги пайтда сиёсий партияларнинг фаоллиги, вакиллар бу борада амалга оширилиши зарур бўлган вазифаларни жойларда тушунтириши зарурлиги ҳақида батафсил маълумотлар берди.

* * *

Шу куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси **Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси**нинг ҳам ушбу қонун лойиҳаларининг муҳокамаси доирасида «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Зиёда АШУРОВА,
Ҳосил КАРИМОВ,
"Халқ сўзи" мухбирлари.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида

24 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлис 2007 йилги Давлат бюджетининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва параметрларини муҳокама қилишга бағишланди.

Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг биринчи ўринбосари Б.Ашрафхонов маъруза қилиб, мамлакат бош молиявий ҳужжатининг асосий параметрлари мазмунини ва аҳамиятини ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг йўналишларини асослаб берди.

Муҳокамада иштирок этганлар навбатдаги молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети ижтимоий соҳага юқори даражада йўналтирилганлигини, шунингдек, иқтисодиётга ва аҳоли даромадларига тушадиган солиқ юкини енгиллаштириш тамойилини кўрсатиб ўтдилар.

Шу билан бирга, Давлат бюджетида умумий таълимни ва ўрта махсус касб-ҳунар таълимини ривожлантириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ерларини қайта тиклаш бўйича ирригация-мелиорация ишларини амалга ошириш, транспорт инфратузилмаси ва коммуникацияларни кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур маблағлар ажратиш назарда тутилганлиги таъкидланди.

Келгуси йилда Давлат бюджетининг ғазна ижросини янада кенгайтириш ва унинг механизмини такомиллаштириш, бюджет маблағларидан ўз ўрнида фойдаланилиши устидан самарали ва таъсирчан назоратни таъминлаш, бюджетдан ажратилган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга имкон берадиган молиялаш усулларини қўллаган ҳолда харажатларни оптималлаштириш ишлари давом эттирилади.

Муҳокама якунлари бўйича сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджетини маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Қўмита мажлисида сенаторлар, манфаатдор вазирлик ва идоралар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Қўмитанинг ушбу мажлиси олдидан "Бюджет ва солиқ ислоҳотларини янада чуқурлаштириш – миллий иқтисодиётни эркинлаштиришнинг устувор йўналиши" мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Суҳбат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан бирга ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққан Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, йирик ишлаб чиқариш компанияларининг раҳбарлари иштирокчиларга ўзлари раҳбарлик қилаётган соҳаларда ислоҳотларнинг бориши, иқтисодиётнинг турли тармоқларига таъсири ҳақида ахборот бердилар.

Шунингдек, ҳозирги вақтда иқтисодий ислоҳотларнинг амалдаги босқичи талабларини ҳисобга олган ҳолда солиқ соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш зарурияти юзага келганлиги ҳам кўрсатиб ўтилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг топшириғига мувофиқ янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ҳозирги вақтда ушбу қонун лойиҳаси тадбиркорлик субъектлари учун солиқ соҳасида қулай шароит яратиш, солиққа тортиш тизимини оптималлаштириш юзасидан мамлакат раҳбарияти томонидан сўнгги йилларда қабул қилинган қарорларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилмоқда.

Бу қарорларнинг амалга оширилиши ижобий натижалар бермоқда. Масалан, бир қанча солиқ ставкалари камайтирилганлиги ҳамда экология солиғи бекор қилинганлиги корхоналарга 2006 йилда катта миқдордаги суммаларни тежаб қолиш ва уларни ўз ходимларининг иш ҳақини оширишга, шунингдек, замонавий технология ускуналари сотиб олиш учун маблағларни кўпайтиришга сарфлаш имконини берди.

2007 йилга мўлжалланган солиқ сиёсатининг асосий йўналишларида солиқ юкини янада камайтириш ҳам назарда тутилган.

Солиқ тизимини ислоҳ қилиш соҳасида кўрилаётган чора-тадбирларни муҳокама қилиш жараёнида солиқ ставкаларини янада оптималлаштириш, солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш ва бизнес юритиш учун қулай шароитлар яратиш бўйича таклифлар билдирилди.

Давра суҳбати ишида Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон тадбиркор аёллар ассоциацияси, солиқ маслаҳатчилари ва аудиторлар профессионал уюшмаларининг вакиллари, олимлар, тадбиркорлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси 24 ноябрь куни Жиззах вилоятида ташкил этган "Айдар-Арнасой кўлларидан самарали фойдаланиш — экологик барқарор тараққиёт гарови" мавзуидаги давра суҳбати Айдар-Арнасой кўлларининг сув ва балиқ ресурсларидан, шунингдек, экотуризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш масалаларига бағишланди.

Майдони 2175 квадрат километрни ташкил этадиган Айдар-Арнасой кўллари тизими Арнасой, Айдар, Тузкон кўлларининг қўшилиб кетиши натижасида вужудга келган. У экотизимни шакллантиришда катта роль ўйнамоқда ва ушбу минтақанинг иқтисодий ҳаётида муҳим ўринга эга.

Мамлакатимизда муваффақиятли амалга оширилаётган экологик сиёсат туфайли Айдар-Арнасой кўллар тизимида катта ўзгаришлар юз берди. Аслини олганда, янги экотизим вужудга келди. Унинг ижобий томонлари (Чордара сув омборидан вақти-вақти билан назорат остида янги чучук сув ташлаб турилиши натижасида) минераллашиш даражасининг пасайишидан ва майда балиқлар урчиганлиги, планктон кўпайиши ва сув паррандалари ҳамда ҳайвонлар учун озуқа муҳити ўсишига ёрдам бераётган кичик-кичик, саёзроқ кўллар пайдо бўлганлигидан иборатдир. Кўлларнинг соҳил бўйлари ёввойи ўрдак ва ғозлар учун уялаш жойига айланди. Қамишзор ва тўқайзорлар кўплаб қирғовул, тўғғиз ҳамда бошқа ҳайвон ва паррандалар пайдо бўлиши учун қулай муҳит бўлиб хизмат қилди.

Давра суҳбатига йиғилганлар вужудга келган экологик муҳитни сақлаб қолиш ва яхшилаш, сув ва балиқ ресурсларидан оқилона фойдаланиш зарурлиги ҳақида сўз юритдилар. Суҳбат иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан маъқулланган Арнасой сув омборида дамбалар қуриш ва қирғоқларни мустаҳкамлаш тадбирларини ўз ичига оладиган комплекс Дастур муваффақиятли амалга оширилаётганлигини кўрсатиб ўтдилар. Барча балиқчилик хўжаликларининг сув ҳавзаларини паспортлаштириш, уларни мониторинг қилиш хизматини ташкил этиш, гидротехник сув олиш иншоотларини балиқни муҳофаза қилувчи қурилмалар билан жиҳозлаш, мелиорация ишларини режа асосида амалга ошириш, браконьерликка қарши курашни кучайтириш, балиқ овлаш ва уни урчитишнинг зарур мувозанатига риоя этилиши устидан назорат ўрнатиш, минтақанинг фақат биологик эмас, балки экотуризм салоҳиятидан ҳам самарали фойдаланиш ҳақида аниқ таклифлар киритилди.

Давра суҳбатида Сенат аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутатлари, Жиззах ва Навоий вилоятлари халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари доимий комиссияларининг раислари, тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ва мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Муҳокама якунлари бўйича амалий аҳамиятга эга бўлган аниқ тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.

САМАРАЛИ УЧРАШУВЛАР

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Кувайт алоқа вазири Маъсума Солиҳ ал-Муборак хоним раҳбарлигидаги делегация 24 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова билан учрашди.

Суҳбат чоғида икки мамлакат хотин-қизлар ташкилотлари алоқаларига доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. Ўзбекистонда оила, оналар ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини янада оширишга оид масалалар давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан эканлиги алоҳида таъкидланди.

Делегация аъзолари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акционерлик компаниясида ҳам музокаралар ўтказди. Темурийлар тарихи давлат музейидаги Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи нодир экспонатларни томоша қилди.

(ЎзА).

АНТОНИО ЛОКЕ:

«ЎЗБЕКИСТОН ЗАМОНАВИЙ ДЕМОКРАТИЯ МОДЕЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ САРИ ИЗЧИЛЛИК БИЛАН БОРМОҚДА»

Ўзбекистоннинг янгиланиш ва демократлаштириш йўлида сиёсий партиялар ролини кучайтираётгани Президент Ислом Каримов томонидан таклиф этилган янги қонунлар лойиҳаларининг мавзусидир. Яқинда парламентга киритилган ҳужжатлар мамлакатда жадаллик билан кечаётган янги демократик жараёнларни барпо этиш жараёнининг яна бир исботи ҳисобланади.

Ўзбекистон ҳаётининг барча жабҳаларида сиёсий партиялар ролини янада фаоллаштиришга асосланган демократик қурилишнинг сезиларли даражада кучайиб бораётганига Европа Иттифоқи ва бутун халқаро ҳамжамият ўз эътиборини қаратмаслиги мумкин эмас. Ўзбекистон замонавий демократия моделини ҳамда Европа мамлакатлари билан тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро ҳурмат тамойилларига асосланган мулоқотни ривожлантираётган мамлакатдир.

Сўнгги пайтларда Европа мамлакатлари билан муносабатларни мустаҳкамлашдан тобора кўпроқ манфаатдорлик сезаётган, Осиё мамлакатлари билан алоқаларни кучайтиришдан воз кечмаган ҳолда Россия билан анъанавий тарихий алоқаларни сақлаб қолишга интилаётган Кавказ давлатлари ҳамда Марказий Осиё минтақасидаги қўшнилар учун Ўзбекистон модель ва буксир мамлакатга айланиб бормоқда.

Ўзбекистон ўзининг узоқ вақтдан буён содиқ бўлиб келаётган демократик тараққиёт мақсадларига шу тарзда, босқичма-босқич, шу маънода, ўзига хос қонунчилик ташаббуси орқали ҳам эришади. Президент томонидан таклиф этилган ҳужжатлар парламент озчилиги ҳамда муҳолифат ролининг қонунийлаштирилишини назарда тутиб, минтақанинг бошқа мамлакатларидаги шу каби жараёнлар учун муҳим туртки бўлиб хизмат қилади.

Маърифатпарвар ва матонатли раҳбар бўлган Президент Ислом Каримов ҳам ички, ҳам ташқи масалалар даражасида тобора катта ишонч қозонмоқда, унинг сиймоси ижтимоий эволюция билан иқтисодий тараққиётни, барқарорлик ва ривожланишни ўзида мужассам этади.

Аминманки, Ўзбекистонда рўй бераётган ижобий жараёнлар ва ўзгаришлар халқаро ташкилотлар, сиёсий ва молиявий институтлар, айниқса, Европа Иттифоқи бу мамлакат тараққиётини янада катта қизиқиш билан кузатиб боришига хизмат қилади.

Халқаро ҳамжамият, айниқса, Европа Ўзбекистон билан тенг ҳуқуқли мулоқотга асосланган ҳамкорликка интилгани ҳолда Тошкентга нисбатан ташқи сиёсатда яқдил ва фаолроқ бўлмоғи лозим.

Антонио ЛОКЕ,
Италиядаги Осиё ва Ўрта ер денгизи мамлакатлари институтининг бош котиби, «Италия-Ўзбекистон» дўстлик ва ҳамкорлик уюшмаси котиби.

Олий Мажлис Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси олдидан

Яқин кунларда Олий Мажлис Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошайди. Ушбу сиёсий тадбир олдидан мухбирларимиз сенаторлар билан учрашиб, уларга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилишди:

1. Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисига қандай кайфиятда бораяпсиз?

2. Сайловчилар билан бўлиб ўтган мулоқотларда кўнглингиздан кечган фикрлар билан ўртоқлашсангиз.

ФУҚАРОЛАР МАНФААТИ — ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ

Сенаторга икки савол

Имомали НАЗАРОВ, Ўзбекистон туманидаги «Умид» фермер хўжалиги раҳбари.

— Давр руҳини сезиб ишлаш фаолиятимизнинг асосий йўналиши бўлиб қолаяпти. Олий Мажлис Сенати ялпи мажлиси арафасида ўтган давр оралиғидаги фаолиятимни ҳисоб-китоб қилиб, сайловчилар билан учрашувларда кўтарилган масалаларни, олдимга қўйилган муаммоларни умумлаштираяпман.

Чиндан ҳам мамлакатимизнинг юқори ва қуйи палаталари халқимиз орасида тобора обрў-эътибор, ишонч топаяпти. Илгарилари сайловчилар у ёки бу масалада қонунлар қабул қилинганини радио, телевидение орқали эшитиб қолар ёки газеталардан ўқиб хабардор бўлишар эди. Энди-чи, айрим сайловчилар Сенат томонидан Қонунчилик палатасига қайтарилган қонунларни бирдай муҳокама қилишяпти, ўз таклиф ва мулоҳазаларини сенаторларга билдиришяпти. Яқинда туманимиздаги сайловчилар билан учрашувлардан бирида гурунг ўз-ўзидан «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни лойиҳаси муҳокамасига айланиб кетди. Бир қарашда анча мураккаб, сиёсатшуносларнинг «тиши» ўтадиган қонун лойиҳасига ўхшайди. Гурунгдан хулоса шу бўлдики, бу лойиҳа фақат сиёсий партиялар фаолиятига тегишли бўлибгина қолмай аҳолининг барча қатламига ҳам дахлдор экан. Агар бу қонун кучга кирса, шубҳасиз, мустақил юртимиз ривожини тезлаштиришга, халқимизнинг турмуш даражасини янада яхшилашга хизмат қилиши ҳақида фикр билдирилди.

— Сайловчилар билан бўлган учрашувларда кўпроқ қишлоқларда янги иш жойлари яратиш, хусусий сектор ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун ажратилаётган кредитлардан қандай фойдаланилаётганлигини назорат қилиш, ер, сув, ўрмон каби табиий бойликлар муҳофазасини кучайтиришга оид қонун, қарор ва фармойишларнинг ижросини кучайтириш лозимлиги ҳақида асосли, адолатли гаплар айтилди. Демак сайловчиларимиз ҳам давр руҳини сезиб, бирга қадам ташлаяпти.

Бу галги мажлис ҳам мамлакатимизнинг қутлуғ байрами — Конституциямизнинг 14 йиллиги арафасида ўтаяпти. Демак, кайфият байрамона. Мажлисдан бўш вақтимда «Ўзэкспомарказ»да ташкил этилган халқаро кўргазмани яна бир марта кўрмоқчиман. Айтгандай, фермер сайловчилар бундай кўргазмалар вилоятларда ҳам ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўларди, дейишмоқда. Бу гапда жон бор. Чунки пойтахтдаги кўргазмани Фарғонадан 500 дан зиёд фермер, ишбилармон, тадбиркор бориб кўрди, холос. Ҳолбуки, уларнинг вилоятимиздаги сафи 20 мингга етиб боради.

Шавкат АВЕЗОВ, Хоразм вилояти болалар касалхонаси бош шифокори.

— Ишончим комилки, айни кунларда нафақат биз сенаторлар баланд кайфиятда фаолият олиб бораяпмиз, балки ҳар бир юртдошимиз ҳам ана шундай руҳда, бунёдкорлик йўлида яшаб меҳнат қилаяпти. Чунки халқимиз улуғ байрамларимиздан бири — Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигини нишонлаш арафасида турибди. Бу байрамнинг улуғлиги шундаки, қомусимиз мустақиллик йилларида эришилган жамики ютуқларимизнинг асосини ташкил этади.

Бу йил ҳам мамлакатимизда барча соҳаларда залворли қадамлар қўйилди. Ҳар куни юртимизда катта янгиликлар, ўсиш — янгиланишлар рўй бермоқда, улкан зафарлар қўлга киритиляпти. Биргина Хоразм вилоятида эришилган ютуқларга тўхталадиган бўлсак, бу йил барча соҳаларда қувонарли натижаларга эришилди. Хоразмлик деҳқонлар пахта, ғалла, пилладан юксак хирмон уйдилар. Янги мактаб, коллеж, тураржой бинолари, кўприклар, равон йўллар, касалхоналар қурилиб фойдаланишга топширилди. Ўнлаб саноат корхоналари ишлаб турибди. Айниқса, соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган ишлар қувонарлидир. Инсон саломатлиги устувор вазифа қилиб белгиланган вилоятимизнинг чекка қишлоқ аҳолиси ҳам эътибордан қолгани йўқ. Ҳозир 147 тадан ортиқ ҚВП фуқароларимиз хизматида. Ушбу шифо масканларининг барчаси замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган. Барча туман шифохоналари капитал таъмирланди. Бундай ижобий ишларни санаб саноғига етиб бўлмайди. Сирасини айтганда кайфиятимиз баланд. Чунки тинч-осуда ҳаёт қўйнида меҳнат қилиб, ғурур-ифтихор билан бошимизни баланд кўтариб юрибмиз.

Хоразмда Маъмун академиясининг 1000 йиллиги катта тантана билан нишонланиши, мана шу боқий қадриятимиз байрамида Юртбошимизнинг иштирок этиши халқимизнинг, айниқса, хоразмликларнинг кайфиятини янада кўтарди. Янада катта бунёдкорлик ишларига илҳомлантирди. Биз Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисига ана шундай кўтаринки кайфиятда қатнашамиз.

— Яқинда Шовот туманида сайловчилар билан бўлиб ўтган мулоқотда бир сайловчимиз жўяли бир таклиф айтди. Унинг фикрича, шаҳарда фаолият олиб бораётган тадбиркорлар билан қишлоқда иш юритаётган тадбиркорлар бир хил шароитга эга эмас. Шунинг учун ҳам улардан олинадиган солиқларда ҳам фарқ бўлиши керакка ўхшайди. Дарҳақиқат, бу кишини ўйлантирадиган масала.

Ана шундай учрашувларда сайловчиларнинг ташаббускорлигини, янгиликка интилишларини кўриб қувонаман. Албатта, сайловчиларимиз навбатдаги Сенат мажлисида ҳам турмуш тарзимизни юксактиришга хизмат қиладиган мукаммал қонунлар қабул қилинишини кутиб турибдилар. Биз сенаторлар ана шу масъулият юкини доим ҳис этамиз.

Эшпўлат ТЎЙЧИБОЕВ, Жомбой туманидаги «Тўйчи бобо» фермер хўжалигининг раиси.

— Кайфиятим ҳар галгидан-да аъло. Сабаби, яқиндагина пахта йиғим-теримини ниҳоясига етказдик. Ҳосилдорлик кутилганидан ҳам ортиқ. Даромад ҳам шунга яраша. Энг қувонарлиси, мавсумнинг қисқа муддатда якунлангани, ҳосилнинг 100 фоиз юқори навларга сотилгани бўлди. Бунинг эвазига келгуси йил ҳосили учун ҳам ҳозирданоқ пухта замин ҳозирланди. Пахтазорлар шудгорланди, экилган ғалла тўлиқ ундириб олинди.

Навбатдаги ялпи мажлис қутлуғ Қомусимизнинг ўн тўрт йиллиги арафасида ўтаётгани ҳам қалбимга беҳад қувонч бахш этади. Бундай улуғ дамларнинг қадрига етмай, ўтаётган ҳар бир кун учун шукроналар билдирмай бўладими?

— Сайловчилар ҳузурида бўлиш, уларнинг фикрларини, таклиф ва истакларини тинглаш, баҳс юритиш энг севимли машғулотим. Бундай дамларда, аввало, ўзимни сенатор даражасига кўтарган ана шу сайловчилар, оддий халқ эканлигини англадим. Бутун вужудим билан уларга хизмат қилиш, Ватан тараққиётига ҳисса қўшишни ўйлайман. Асосийси нимада? Албатта, бу сайловчиларнинг фикрларини кўпроқ тинглаш, уларнинг ўй-орзуларини юқори палатанинг минбарига олиб чиқишдир. Шундай имкониятлар мавжуд экан, демак, бизда ҳақиқий — халқ ҳокимияти барпо этилиши, шубҳасиздир.

«Халқ сўзи» мухбирлари Набижон СОБИР, Ойбек РАҲИМОВ ва Абдурасул САТТОРОВ ёзиб олишди.

ЭРОЗИЯ МУАММОЛАРИГА ДОИР СЕМИНАР

Тошкент Ирригация ва мелиорация институти (ТИМИ)да Голландиянинг Вагенинген университети билан ҳамкорликда TEMPUS TEAM IB JER - 25204-2004 «Атроф-муҳит ҳолатини баҳолаш ва мониторинг соҳасида малака ошириш» лойиҳаси доирасида навбатдаги семинар ўтказилди.

Ҳамкорлик

Семинар арафасида TEMPUS TEAM лойиҳаси бўйича ҳамкорларнинг йиғилиши ва лойиҳа фаолиятига доир Мониторинг куни уюштирилди. Мониторинг тадбири Брюссель шаҳридан ташриф этган ТЕМПУС дастури менежери Клэр Морель, Европа Таълим фондининг Темпус бўлими вакили Жан Люк Бондури ва Темпус Миллий офиси масъул вакили Азиза Абдураҳмонова иштирокида амалга оширилди.

Мониторинг якунига кўра, дастурнинг европалик менежерлари институт раҳбарияти билан учрашар экан, улар лойиҳа олдига қўйилган вазифалар самарали олиб борилаётганлигини маълум қилишди ҳамда ҳамкорларнинг иш фаолиятига қатъий ирода ва куч-қувват тиладилар.

Бир ҳафта давом этган семинар мавзуси эса «Эрозия ва унга қарши кураш» деб номланган бўлиб, у республикамизнинг олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежларининг экология соҳасида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилари ҳамда табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари ходимлари учун ташкил этилди.

Семинарда Вагенинген университети доктори Вильям Спаан томонидан «Эрозия муаммолари», «Сув эрозияси турлари», «Сув эрозияси омиллари», «Эрозия билан курашиш усулларини режалаштириш», «Тупроқни ҳимоя қилиш технологиялари», «Маҳаллий микёсдаги чора-тадбирлар», «Тупроқни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари» каби ва бошқа муҳим мавзуларда қилинган маърузалар иштирокчиларда яхши таассурот қолдирди.

Анжуманда тингловчи сифатида республикамизнинг Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, барча вилоятларнинг табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ходимлари, Тошкент вилояти ҳудудидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларидан 30 нафари, шунингдек, ТИМИ ўқитувчилари ва талабалари иштирок этдилар.

Қизғин савол-жавоблар, баҳс ва мунозаралар билан ўтган мазкур семинарда барча иштирокчилар эрозия ва унга қарши кураш бўйича жаҳон илм-фанининг энг сўнгги маълумотлари ва тажрибаларидан огоҳ бўлдилар.

Лойиҳа координатори А. Пўлатов лойиҳа доирасида режалаштирилган навбатдаги семинар декабрь ойида ташкил этилишини маълум қилди.

Ўз мухбиримиз.

Ахборот маркази тақдимоти

Тошкент вилоятидаги Қибрай академик лицейида янги фойдаланишга топширилган ахборот-ресурс марказининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Мазкур марказ Президентимизнинг «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорининг Тошкент вилоятидаги ижроси юзасидан вужудга келганлиги қувонарли ҳол, албатта.

Тадбирда ахборот-ресурс марказининг маълумот базасини ташкил этишда қандай омилларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги хусусида фикрлашиб олинди. Хусусан, марказда интернет тизимини йўлга қўйиш ва ундан ҳар бир талаба самарали фойдаланиши учун тизим ҳақида маълумот берувчи каталоглар ташкил қилиш лозим.

Йиғилиш сўнгида келгусида марказнинг самарали фаолият юритиши юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида таклифлар ишлаб чиқилди.

Маъсуда ЁҚУБОВА, «Халқ сўзи» мухбири.



Сиз суратда кўриб турган инсон Хива туманидаги "Хива" пахта тозалаш очиқ турдаги акциядорлик жамияти ишчиси Бахтиёр Каримовдир. У, мана ўн йилдирки, мазкур жамиятда меҳнат қилади. Ҳалоллиги, ишига бўлган масъулияти билан сафдошлари орасида алоҳида ҳурмат қозонган, обрў-эътибор орттирган Бахтиёр бугун ёшларга ҳам ўрнак бўлаётир.

Корхонада жорий йилнинг шу кунига қадар 21 минг тонна "оқ олтин" сифатли қилиб қайта ишланади. Бунда қаҳрамонимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

ЁШ МУТАХАССИСЛАР АНЖУМАНИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Истеъдод" жамғармаси йўлланмаси билан хориж олий таълим даргоҳлари ва илмий марказларида малакасини оширган ёш мутахассисларнинг IV илмий-амалий анжумани бошланди.

Тадбирда Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилиниб, ҳаётга изчил жорий этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда унинг мантиқий давоми бўлган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди. Давлат таълим стандартлари такомиллаштирилиб, замон талабларига мос дарсликлар яратилаётир. Таълим-тарбия жараёни ёшлар онги ва қалбига она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини сингдириш, уларни фидойи инсонлар этиб тарбиялаш билан узвий равишда олиб борилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 7 январда қабул қилинган иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлашга доир фармони мамлакатимиз ёшлари учун улкан имкониятлар эшигини очди. Мамлакатимиз олий ўқув юртларидан махсус имтиҳонлар орқали саралаб олинган мингта яқин талаба дунёнинг ривожланган давлатларида ўз йўналиши бўйича билим олиб қайтди.

Давлатимиз раҳбарининг 2003 йил 1 июлдаги фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрларнинг малакасини ошириш "Истеъдод" жамғармаси ташкил этилди. Бундан кўзланган асосий мақсад дунё эътироф этган нуфузли олий таълим ва илмий марказлар билан амалий ҳамкорлик ўрнатиш, ўзаро манфаатли илмий тадқиқотлар ва изланишларни ташкил этиш орқали истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар истеъдодининг рўёбга чиқишида кўмак беришдан иборатдир.

"Истеъдод" жамғармаси томонидан ташкил этилган ушбу икки кунлик илмий-амалий анжуманда икки юздан зиёд ёш мутахассис ижтимоий-гуманитар, техник ва табиий фанлар ҳамда иқтисодиётнинг макроиқтисодиёт, микроиқтисодиёт, маркетинг, менежмент, банк иши, молия ва валюта муносабатлари йўналишлари бўйича ўз маърузаларини тақдим этади.

Лазиз Хўжақулов Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ташкил этилган иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишини қўллаб-қувватлаш жамғармаси кўмагида 1998-2001 йиллари Буюк Британиянинг Манчестер университетида ўқиган кадрлардан. Иқтисодиёт соҳасида таълим олган бу йигит айни пайтда Бухоро давлат университетида илмий изланишларини давом эттирмоқда.

— Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз таълим тизимида олиб борилаётган кенг қўламли ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда, — дейди Л.Хўжақулов. — Жаҳоннинг энг нуфузли олий таълим муассасалари ва илмий марказларида билим ва малакасини ошириб қайтган ёшлар бугунги кунда турли корхона, ташкилот ва идораларда эл-юртимиз равнақи йўлида муваффақиятли меҳнат қилиб, мамлакатимиз иқтисодиёти, халқимиз фаровонлиги ва давлатимиз қудратининг янада юксалишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Орифжон ТУРОПОВ, ЎзА мухбири.

Демократия сабоқлари

Ҳа, Ўзбекистонда демократия йўқ деб аюҳаннос солаётган «демократлар» мана шу суд ҳужжатлари билан танишишса, бир неча дақиқа бўлса-да, нафаслари ичига тушиб кетиши тайин. Аслида эса, бу ишга оид суд мажлислари ва пировардида чиқарилиб, қонуний кучга кирган қарор бугунги ҳаётимизда фавқулодда ҳодиса ҳам эмас, мустақиллик йилларида қабул қилинган қонунларнинг талаби ва оддий ижроси, холос. Ва, мана шу қонунлар асосида иш юритиш, барча хатти-ҳаракатларни қонун доирасида амалга ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида фақат қонун ва адолат тамойилларига ҳамоҳанг ҳукм, қарор ва бошқа ҳужжатлар чиқариш кундалик ҳаётимиздаги оддий ҳақиқатлардир.

ҲОКИМ ТАЪСИРИДА ЎТГАН САЙЛОВ

суд томонидан бекор қилинди. Ва суд ҳокимга нисбатан Хусусий ажрим чиқарди

Демак, фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро суди 2006 йил 14 июнь куни Фарғона тумани Юқори Водил қишлоқ фуқаролар йиғини (ҚФЙ) раиси ва маслаҳатчиларини сайлаш бўйича ўтказилган сайловни ноқонуний деб топиб Ҳал қилув қарори чиқарди. Шунингдек, сайлов натижаларига таъсир ўтказгани ва сабабсиз суд мажлисига келмагани учун ҳокимга нисбатан Хусусий ажрим чиқарди ва Фарғона вилоят ҳокимига юборди. Ажримда шундай дейилади: «Келгусида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Президентининг маърузаларидан келиб чиққан ҳолда вилоятда суд ислоҳотлари ривожланишини таъминлаш, одил судловни амалга оширишга путур етказувчи ҳолатларга барҳам бериш мақсадида Фарғона туман ҳокими О. Д. Мадумаровнинг ғайриқонуний ҳаракати муҳокама қилинсин. Кўрилган чоралар, белгиланган тадбирлар ҳақида қонунда белгиланган бир ойлик муддатда фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судига ёзма равишда тўлиқ маълумот берилсин. Судья Х. Маназаров».

Хўш, бу воқеада туман ҳокимининг ноқонуний ҳаракати нималардан иборат эди?

У 2006 йил 8 июнь куни Юқори Водил ҚФЙ раиси ва маслаҳатчилари сайловига ёнида туман Ички ишлар бўлими бошлиғи билан бирга кириб келди ва тўғри минбарга чиқиб ўтирволишди. Сайлов тўғрисидаги қонунда эса, минбарда сайловни ўтказувчи ишчи гуруҳи аъзолари ўтириши ва сайловни бошқариши айтилган. ҚФЙ раиси ҳисобот берди. Кейин, сўзга чиққанлар орасида унинг фаолиятини маъқуллаганлар, маъқулламаганлар ҳам бўлди. Ҳоким сўзга чиқиб, амалдаги раисни суяб гапирди, унга қарши сўзлаганларга бефарқ бўлмади, янги номзодлар орасида илгари судланганлар ҳам борлиги учун ишчи гуруҳига эътироз билдиргандек бўлди. Бу эса раисликка 80 киши томонидан номзоди қўйилган, илгари судланган, ҳозир тумандаги адвокатлик фирмасининг раҳбари бўлиб фаолият юритаётган Назиржон Исоқовга оғир ботди, иззат-нафсига тегди. «Нима, қачонлардир судланган одам энди, бутун умр одам ҳисобланмайдими ҳокимнинг назарида? Сайлов тўғрисидаги қонунда муомала лаёқатига эга бўлмаган ва суд томонидан белгилаган жазони ўтаётган фуқарогина сайлов ҳуқуқига эга эмас дейилган. Муқаддам судланган айрим кишилар ҳатто Олий Мажлис депутатлигига ҳам сайланди ва бунда ҳеч қанақа қонунбузилиш ҳолати қайд этилмади-ку! Ёки ҳоким шу оддий нарсани билмайдими, ё унга фақат ўзига ёққан номзодни ўтказиш керакми?»

Шуларни хаёлидан кечирган Н. Исоқов бу сайловни бекор қилиш ва ўзининг обрўсига, шаънига путур етказгани учун туман ҳокимидан 1 миллион сўм маънавий зарар ундириш тўғрисида даъво ариза билан судга мурожаат қилди.

Суд мажлиси 2 марта тайинланиб, қолдирилди. Сабаби, жавобгар — туман ҳокими судга келмади. Сабабсиз. Учинчи марта, қонун талабига биноан, суд мажлиси жавобгарсиз ўтказилди ва мазкур сайловни бекор қилиш бўйича юқорида эслатилган Ҳал қилув қарори ва Хусусий ажримни чиқарди. Яна, қарорда О. Мадумаровдан Н. Исоқов фойдасига 500 минг сўм маънавий зарар ундириш ҳам кўрсатилган эди.

Жавобгар бу зарарни ўз билгича тўлайвермагач, суд ижрочилари қарорни ижро қилиш учун ҳокимнинг уйига ташриф буюришди ва молхонадаги иккита буқасини 700 минг сўмга баҳолаб кетишди...

Судда иштирок этган прокурор ҳам даъвони қаноатлантиришни сўраган эди, шунинг учундир, прокуратура Ҳал қилув қарорига протест келтирмади-ю, жавобгар томондан апелляция шикояти тушди. Шу даврда, даъвогар таҳририятга ёзган шикоятга кўра, мухбир аралашди бу ишга. Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилоят суди раисидан нега апелляция суди ўз муддатида бўлмаётганини сўрадик. Бунга жавобан, ишга тикилган жавобгарнинг соғлиги яхши эмаслиги ҳақида иккита маълумотномани раис билан биргалашиб кўрдик. Шу куни кечқурун идорасида ҳоким билан суҳбатлашдик. Ғалла ўриш мавсуми энди тугаган, ғўзани суғориб етилтириш юғурюғурлари билан машғул ҳоким кайфиятидан чарчагани кўриниб турарди. Бунинг устига бу ташвиш. «Бу ташвиш» ҳақидаги суҳбатдан кўриниб турардики, ҳоким судга бориш у ёқда турсин, суднинг унга — ҳокимга чақирув қоғози юборганининг ўзини «ҳазм қилолмаётган»дек ҳолатда эди. Шундан сўнг, бироз демократия ҳақида, биз қураётган, пойдеворини қўйиб бўлган ҳуқуқий-демократик жамиятда қонун устуворлиги ва бугун айнан шу йўлдан кетаётганимиз хусусида бироз суҳбатлашдик...

Вилоят суди апелляция ҳайъати, ҳар ҳолда, юз-хотир қилибми ё ростдан ҳам биринчи босқич суднинг ишида камчиликлар кўрганми, 2006 йил 1 августдаги Ажрим билан юқоридаги Ҳал қилув қарорини бекор қилиб, ишни янгидан биринчи босқичда кўриш учун ўша Фарғона туманлараро судига юборди. А. Мирзалиев раислигида бўлиб ўтган суд мажлиси 2006 йил 24 августда сайловни ноқонунийлиги учун бекор қилиш тўғрисида Ҳал қилув қарори чиқарди. Маънавий зарар ундириш лозим топилмади.

Бу қарорга нисбатан манфаатдор томон — Юқори Водил ҚФЙ раиси Б. Ҳакимовнинг норози бўлиб ёзган апелляция шикояти асосида ишни апелляция босқичида кўрган фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилоят суди 2006 йил 4 октябрда туманлараро суднинг Ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдириш бўйича Ажрим чиқарди.

Демак, бу суд ҳужжати қонуний кучга кирди. Сайлов бекор қилинди. Бунга сайловда ҳокимнинг қатнашиб сўзга чиққани, унинг сўзи сайлов натижаларига таъсир ўтказган бўлиши мумкинлиги, бу эса ноқонуний ҳаракат эканлиги асос бўлди. Сайлов бошқатдан ўтказилади.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасида «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг шаклланиши ва ривожланиши учун зарур шарт-шароит яратадилар, уларнинг ишларига аралашишга йўл қўймайдилар...» дейилган. Суд жавобгар О. Мадумаровни бу ишга аралашган ва бу ноқонуний деб топди.

Ҳа, ҳуқуқий-демократик жамиятда аввал — қонунийлик, кейин — мақсадга мувофиқлик. Ва бу, Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида янги жамият қуришнинг Президент Ислом Каримов белгилаб берган беш тамойилининг бири — қонун устуворлигининг айнан ўзидир...

Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида



БМТ Хавфсизлик Кенгаши Пьер Жмайлнинг ўлими юзасидан халқаро текширув ўтказишни тасдиқлади. Бундан бир неча кун аввал Ливан саноат вазири Пьер Жмайл ўлдириб кетилганди. У ўтган пайшанба куни Байрут шаҳрида дафн этилди. Вазирнинг ўлими муносабати билан мамлакатда уч кунлик мотам эълон қилинди. БМТ Хавфсизлик Кенгаши вазирнинг ўлдирилишини мамлакатда вазиятни издан чиқаришга уриниш, дея баҳолади.

Мексикада тоғ чўққисига улкан телескоп қурилди. Унинг очилиши маросимида мамлакат президенти Висенте Фокс иштирок этди. Эндиликда олимлар мазкур қурилмадан коинотнинг ҳали очилмаган қирраларини кашф этишда фойдаланадилар. Мазкур телескоп ёрдамида 13 миллиард йиллик масофадаги сайёраларни кузатиш мумкин. Олимлар уни дунёдаги энг улкан телескоп, дея эътироф этишмоқда. Унинг диаметри 50 метрни ташкил этади. Телескопни яратишга 120 миллион доллар маблағ сарфланди.

Жанубий Кореяда парранда гриппи аниқланди. Бу маълумотни мамлакат ҳукумати ҳам тасдиқлади. Сеулдан 70 километр узоқликдаги фермалардан бирида уч кун давомида 200 та товуқ нобуд бўлди. Мамлакат қишлоқ ва ўрмон хўжалиги вазирлигининг баёнотида келтирилишича, ўтказилган текширув натижалари вируснинг инсон танасига ҳам юқиши мумкинлигини аниқлаган. Таъкидлаш жоизки, сўнгги бир неча йил ичида H5N1 вируси туфайли жаҳонда 140 нафардан ортиқ одам ҳалок бўлди.

Бағдодда давомли портлашлар содир этилди. Мамлакатнинг Садр-сити ҳудудида амалга оширилган мазкур террорчилик хуружлари камида 180 кишининг ҳаётига зомин бўлди, 240 нафардан ортиқ одам турли даражада жароҳатланди. Бу ҳақда мамлакат полицияси хабар берди. Мамлакатда зудлик билан комендантлик соати жорий қилинди. Бағдод аэропортида тижорат қатнови тўхтатилди. Ироқ Бош вазири Нури Маликий телевидение орқали аҳолига мурожаат билан чиқиб, миллатни ажратишга уринаётганларга қарши биргаликда ҳаракат қилишга чақирди.

Айни пайтда Брюсселда Россия ва ЕИ ўртасидаги стратегик ҳамкорлик шартномасини имзолаш юзасидан музокаралар ўтказилмоқда. Польша ўзининг вето ҳуқуқидан фойдаланиб, музокараларни тўхтатишга ҳаракат қилмоқда. Еврокомиссия раҳбари Жозе Мануэл Баррозу расмий Варшавани Россия билан имзоланиши кутилаётган шартномага ўз нуқтаи назарини ўзгартиришга чақирди. Россия бундан бир йил муқаддам Польшадан мамлакатга қишлоқ хўжалиги ва гўшт маҳсулотларини экспорт қилишни таъқиқлаб қўйганди. Расмий Варшава бу чекловнинг олиб ташланишини талаб қилмоқда.

«ХАМАС» Исроил ҳудудига ракета зарбалари беришни тўхтатиши мумкин. Бунинг учун Исроил армияси Фаластинга ҳужум қилмаслиги лозим. Бу ҳақдаги таклиф мухторият раҳбари Маҳмуд Аббосга маълум қилинди. Бир қатор вазирлар бу масалани дипломатик йўл билан ҳал қилишга шубҳа билдиришмоқда. Сабаби, пайшанба куни 57 ёшли Фотима ан-Нажар Ғазо секторида ўзини портлатиб юборди. Натижада икки исроиллик ҳарбий ҳалок бўлди.

Голландияда парламент сайловлари бўлиб ўтди. Дастлабки маълумотларга қараганда, мамлакат Бош вазири Ян Петер Балкененденинг "Христиан демократлар партияси" қонунчилик органида яна кўп ўрин эгалладилар. Улар парламентдаги 150 ўриндан 41 тасини забт этдилар. Эндиликда Ян Петер коалиция ҳукуматни шакллантириш ҳуқуқига эга бўлди. Социалистлар партияси ҳам парламентда 26 ўринни банд этди. Олдинги мандатда қонунчилик органида уларнинг 9 нафар аъзоси бор эди.



Олимлар одамлар генетик жиҳатдан бир-биридан 10 фоизга фарқ қилади, демоқдалар. Британия тадқиқотчилари 270 нафар одамнинг молекулаларини ўрганиб чиқишгандан сўнг шундай хулосага келишди. Улар одам генининг деярли 99 фоиз коди кашф этилди, дея ҳисоблашмоқда. Ген орқали эндиликда турли касалликларни даволаш мумкин.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ТОШКЕНТ ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

эгалланган лавозимларга қуйидаги кафедралар бўйича

танлов эълон қилади:

1. **2-акушерлик ва гинекология кафедраси** — *2 та ассистент.*
2. **Фтизиатрия кафедраси** — *ассистент.*
3. **Тиббий иммунология ва иммунофармакология кафедраси** — *кафедра мудири.*
4. **Физиотерапия кафедраси** — *кафедра мудири.*
5. **Неврология кафедраси** — *ассистент.*
6. **Гематология ва трансфузиология кафедраси** — *ассистент.*
7. **Гигиена кафедраси** — *профессор.*
8. **Психиатрия кафедраси** — *кафедра мудири.*
9. **Оториноларингология кафедраси** — *ассистент.*
10. **I-стоматология кафедраси** — *доцент.*
11. **Кардиология ва функционал диагностика кафедраси** — *кафедра мудири.*
12. **Педиатрия ва функционал диагностика кафедраси** — *ассистент.*
13. **Ижтимоий ва гуманитар фанлар кафедраси** — *доцент.*
14. **Клиник фармакотерапия ва гастроэнтерология кафедраси** — *кафедра мудири.*

Мурожаат этиш учун манзил: Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Паркент к., 51-уй, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти. Телефон: 68-27-54.

Қилмиш-қидирмиш

Тижоратнинг баракаси унинг қонунийлиги, ҳалоллигида. Ана шу томонини четлаб ўтаман, деган одамнинг эса иши юришмаслиги турган гап. Чуст туманидаги Ҳисорак қишлоғида яшовчи Абдурашид Собиржонов катта йўл бўйида ошхона очиб, фаолият бошладию, масаланинг айни жиҳатини «унутди». Боз устига рўйхатдан ўтмаган ошхонада спиртли ичимликлар савдосини қизитди.

Хонадонда хуфёна савдо

Бундан хабар топган солиқчилар қонунбузарни далилий ашё — 6 турдаги 44 шиша алкоголь маҳсулоти билан қўлга туширишди. Бу ниси ҳолва экан. Тўрақўрғон шаҳрининг Бирлашган маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Садбархон Ҳотамова узоққа бориб ўтирмай, шартта хонадонининг ўзида ароқ-вино савдосини йўлга қўйиб юборди. Текширувчилар олди-сотди устида кириб келганларида сувдан қуруқ чиқиш учун ўзини ҳар ёққа урди. Бироқ, далилдан қочиб қутулиб бўлармиди? Растага териб қўйилган 57 шиша қўлбола ичимлик расмийлаштирилгандан сўнг кўзи очилган сохта тижоратчи «адашибман», дея кечирим сўрашга тушди.

Шуни айтиш керакки, сархуш ичимликдан мўмай фойда орттиришни кўзлаб, бундай ишга қўл ураётганлар кўпайиб бормоқда. Солиқчилар Учқўрғон шаҳрининг Кўприкбоши маҳалласида ноқонуний фаолият юритаётган Жаҳонгир Мўйдиновнинг дўконини ҳам кўздан кечирдилар. Бу ерда оз эмас, кўп эмас роппа-роса 179 шиша спиртли ичимлик алкоголь маҳсулотлари сотиш ҳуқуқини берувчи махсус лицензиясиз муомалага киритилаётган экан. Қонунбузарнинг қилмишига баҳо бериш ҳуқуқ идораларига ҳавола этилди.

Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Вилоят солиқ идоралари биргина ўтган октябрь ойининг ўзида ноқонуний алкоголь маҳсулотлари савдоси билан боғлиқ 15 та ҳолатни аниқладилар.

Маълумки, инсон саломатлигига дахлдор бўлганлиги учун спирт ва алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда сотиш махсус рухсатнома, яъни лицензия орқали амалга оширилади. Мазкур тартиб ҳақида ҳар бир сотувчи, ҳар бир фуқаро яхши билади. Бироқ, уларнинг аксарияти билатуриб ҳуқуқбузарликка қўл урмоқдалар. Оқибати эса...

Илҳомжон РАҲМАТОВ,
Наманган вилояти Давлат солиқ бошқармаси ходими.
Кудратилла НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Деҳқон хўжаликларида

Жалил Садатов Шероботнинг 9-умумий ўрта таълим мактабида ишлайди. Бошланғич синф ўқитувчиси. Яқинда у ҳангоматалаб газеталардан бири ёзган 385 килограммлик ошқовоқ ҳақида ўқидию мийиғида кулиб қўйди. Эҳтимолки бу билан у ўзимизнинг Хўжақия анорини бир тонналик ошқовоққа ҳам алмашмаймиз дегандай бўлгандир.

Жалил домланинг жайдари анори

Бу тахминий гапни эса биз беҳудага келтирмаяпмиз. Жалил домла етиштирган анорлар бу йил чиндан ҳам зўр бўлди. — Йигирма беш сотихлик боғидан у 22 миллион сўмлик анор сотди. Бир анорларки, ҳар бирида камалакнинг ранги чизилгандай. Мағзи тўла. Таъми асалдан зиёда. Домла даромаддан янги машина сотиб олди. Рўзғор кемтикларини ростлади. Энди ўзи ишлайдиган синфхонани созлаб, ўқувчиларга китоблар олиб бермоқчи.

Жалил домла лекин бунча даромадни осмондан тушди, деб ўйламайди. Анор дарахтларини у йил — ўн икки ой парвариш қилади. Дарахтдаги ҳар бир дона анорни кўзига суртиб, уни ҳашаротдан, офтоб уришидан, шамол қоқишидан боғрини бериб асрайди. Ва, ҳамқишлоқларини ҳам томорқалардан унумли фойдаланишга даъват қилиб, ёлғиз отнинг чанги чиқмас, деган мақолни такрорлайди.

Энди эслатиб ўтамиз, Сурхондарёда 55 минг гектар томорқа бор. Ҳамма ҳам томорқасининг ҳар бир сотихидан Садатовга ўхшаб бир миллион сўмдан эмас, 100 минг сўмдан даромад олсин-чи, олам гулистон бўлар-а.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳурматли ишбилармон, тадбиркор хонимлар ва жаноблар!

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ «УНИВЕРСАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2006 йил 29 декабрь куни соат 15.00 да Фарғона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 47-«А» уй, Универсал биржа маркази биносида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига суд ижрочилари томонидан хатланган қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

1. Суд ижрочиларининг Фурқат тумани бўлинмаси томонидан 2005 йил 4 декабрдаги 1032-18-сонли ижро ҳужжатига асосан рўйхатга олинган, Фурқат тумани, Чекжўрабек қишлоғида жойлашган, «Қўқонбўрдоқичилик» МЧЖга қарашли 5 ,6, 7-сонли молхона бинолари ва 1, 2-сонли айвонлар.
Бошланғич баҳоси — 32 353 961 сўм.
2. Суд ижрочиларининг Бағдод тумани бўлинмаси томонидан 2005 йил 2 мартдаги 195-сонли ижро ҳужжатига асосан рўйхатга олинган, Қўқон шаҳри, Хожиработ 1-тор кўчада жойлашган, Қосимова Буранога тегишли 13-уй.
Бошланғич баҳоси — 37 260 315 сўм.
3. Суд ижрочиларининг Тошлоқ тумани бўлинмаси томонидан 2005 йил 22 августдаги 15-05-06/5042-сонли ижро ҳужжатига асосан рўйхатга олинган Тошлоқ тумани, Ахшак ҚФЙ, Беш-алиш зонасида жойлашган, Кавлонов Рустамга қарашли «Отабек-И» фирмасининг идора бино иншоотлари.
Бошланғич баҳоси — 32 642 392 сўм.
4. Суд ижрочиларининг Фарғона вилояти ҳудудий бўлими томонидан 2006 йил 31 июлдаги 15-06-06/5699-сонли ижро ҳужжатига асосан рўйхатга олинган, Қува шаҳри, Кайкуобод кўчасида жойлашган, «Қува консерва» ОТАЖга қарашли:
- *консерва заводи бино ва иншоотлари, бошланғич баҳоси — 953 675 АҚШ доллари;*
- *ишлаб чиқаришда қатнашадиган асосий воситалар, бошланғич баҳоси — 84 868 АҚШ доллари;*
- *ишлаб чиқаришда қатнашадиган 28 турдаги асосий воситалар, бошланғич баҳоси — 1 565 600 АҚШ доллари.*

Бошланғич баҳоси АҚШ долларида кўрсатилган мулклар бўйича тўлов миллий валюта, сўмда мулк сотилган санага Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича амалга оширилади.

Шунингдек, 29 декабрдаги савдода сотилмай қолган мулклар 2007 йил 2, 5, 9, 12, 16, 19, 23, 26 ва 30 январь кунлари қайта савдога қўйилиши мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризалар қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пулини савдо ташкилотчисининг қуйидаги: 20208000604234776021, МФО 00493, УэР ТИФ МБ Фарғона филиали, ИНН 204325773 ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Ариза топшириш ва қўшимча маълумотларни олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Ўзбекистон банклари ассоциацияси «Универсал биржа маркази» Фарғона вилояти филиали, Фарғона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 47-«А» уй, 2-хона. Телефонлар: 226-45-48, 226-95-98.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Республика кўчмас мулк биржаси ҳудудий филиаллари бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Суд департаменти томонидан хатланган қуйидаги автотранспорт ва кўчмас мулклар қўйилади:

Жиззах вилояти филиали

Арнасой тумани суд ижрочилари бўлинмаси томонидан хатланган, Арнасой туман МТП АЖ корхонасига қарашли, Арнасой тумани МТП АЖда сақланаётган қуйидаги:
- *«Магнум 8940» русумли, давлат рақами 19-73 ЕЮ бўлган, 1998 йилда ишлаб чиқарилган трактор.*

Бошланғич баҳоси — 38 641 030 сўм.
- *«Магнум 8940» русумли, давлат рақами 19-82 ЕЮ бўлган, 1998 йилда ишлаб чиқарилган трактор.*

Бошланғич баҳоси — 38 641 030 сўм.

Аукцион савдоси 2006 йил 29 декабрь куни соат 11.00 да РКМБ Жиззах вилояти филиали савдолар залида ўтказилади.

Навоий вилоят филиали

Навоий шаҳар суд ижрочилари бўлинмаси томонидан хатланган, «Пяточок плюс» фермер хўжалигига қарашли, Навоий шаҳри, Спутник қўрғони, 3-уйда жойлашган, умумий майдони 130000,02 кв.м., фойдали майдони 798,83 кв.м., кадастр китобида А, А1, Б, В, Г литерда белгиланган бино ва иншоотлар (2 та чўчқахона, 2 та ёрдамчи бино, 1 та ем тайёрлаш цехи, 2 та вагон, 3 та ем омборлари).

Бошланғич баҳоси — 49 019 000 сўм.

Аукцион савдоси **2006 йил 15 декабрь куни соат 12.00 да** Навоий шаҳрида вилоят Давлат мулкини бошқариш бошқармаси залида ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан 1 кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пулини

РКМБ Жиззах вилояти филиалининг қуйидаги:

х/р 20210000000571452050, «Ipoteka» banki Sangzor filiali, код 00834 ҳисоб рақамига;

РКМБ Навоий вилояти филиалининг қуйидаги:

х/р 20210000300571452458, МФО 00205, ИНН 200933850 АТИБ «Ипотека банки» Навоий бўлими ҳисоб рақамига тўлаши шарт.

Қўшимча маълумотларни олиш учун қуйидаги манзилларга мурожаат этиш мумкин:

РКМБ Жиззах вилояти филиали манзили: Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шоҳкўчаси, 39-уй. Телефонлар: код 8-(372) 222-35-77, 222-34-16.

РКМБ Навоий вилояти филиали манзили: Навоий шаҳри, П.Очилов кўчаси, 24-уй. Телефонлар: код 8-(436) 22-4-15-61, 22-4-64-31.

Интернет сайтимиз: www.rkmb.uz

Лицензия DB 001 №000004

«ХАЛҚ СЎЗИ»га

ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

136-09-25
132-10-63
242-хона

E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

ҲУҚУҚИЙ МАРКАЗИ АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ

«ҲИМОЯ»

СОЛИҚ ВА БОЖХОНА НИЗОЛАРИ

ТУРЛИ МУРАККАБЛИКДАГИ ХЎЖАЛИК НИЗОЛАРИ

СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШДА ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ

Тошкент: (371) 133-11-13, 175-63-72, 301-33-15
Самарқанд: (3662) 33-30-99
Бухоро: (365) 223-63-72, 223-68-85
Навоий: (436) 730-99-80
Қарши: (371) 175-63-72

ТЎЛОВ НАТИЖАЛАР БЎЙИЧА

«ОЛМОС» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси бошқарув раиси М.Т.Акбаровга волидаи муҳтарамаси **ФИРДАУС ҳожи онанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат юридик институти жамоаси Фақультетлараро хорижий тиллар кафедраси ўқитувчиси Ёқутхон Ваҳобовага турмуш ўртоғи **Муҳиддин ҚОСИМОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК

(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)



Россиянинг «Сигнал» компаниялар гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, электрон блокли (БК) мувофиқлаштирадиган

турбинали саноат газ ўлчагичларини (СТГ) таклиф этади.

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.
Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли ва сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон овози» ва С.Азимов кўчалари кесишган жойда. Мўлжал — Шастри қайкали, эски ҳайвонот боғи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Газдевайс» ЁАЖнинг (Россия, Москва) Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили

«Крокус Газ Сервис» ҚК

(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

Россияда ишлаб чиқарилган «АГАТ» русумли, ультратовушли, ўлчанаётган газ ҳароратини автоматик равишда тўғрилайдиган,

замонавий электрон газ ўлчагичларини таклиф этади.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача).

Етказиб бериш, монтаж қилиш; кафолатли ва сервис хизмати кўрсатиш — 1 йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон овози» ва С.Азимов кўчалари кесишган жойда. Мўлжал — Шастри қайкали, эски ҳайвонот боғи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Орамиздаги одамлар

Ойдин ака Синдоров билан Сергели шаҳарчасида, кўп қаватли уйлардан бирида қўшничиликда яшаймиз. Аслида, Самарқанд вилоятининг Қўшробот туманидан. Лекин бугун Тошкентда яшайди. Қиз-ўғилларидан баъзи бирлари ўқиш, иш, вазифа важи билан азим шаҳарга келиб қолишган. Турган гап, улар ота-оналарини олис қишлоқда ёлғиз қолдиргилари келмаган. Ойдин ака Ҳаж сафарига бориб келди. Дунё кўрди. Бугун маҳалламизда у кишини барча катта-кичик «Ҳожи ота» деб ҳурмат-эҳтиром қилади. Ҳожи отани қўшроботликлар ҳам ардоқлашади. Бориб қолса, иззат-икром жойида.

ОЙДИН ОТА ҲИММАТИ

Лекин шу ўринда яна бир гапни айтиб ўтмасак бўлмайди. Ойдин бувани Қўшроботда яқин бир вақтларда «Ойдин ҳожи» деб эмас, балки «Ойдин девона» деб билишарди. Бу ҳазил лақабнинг туманда тарқалишига, аслида, унинг тенгқўр ёру биродарлари сабаб бўлишган. Ойдин аканинг эса бу масалада фикри бошқача: «Бундай лақаб олишимга ўзим сабабчиман».

— Тушунтириброқ гапиринг, Ойдин ака, — сўрадим бир куни ундан гапнинг тагига етиш учун.

— Гап бундай, — деди у: — Қишлоқ мактабида бошланғич синфларда муаллимлик қилиб юрардим. 60-йилларнинг бошларида: «Туманимизга академик Яҳё Ғуломов келибди» деган дувдув гап ёйилди. Ёшман, ғайратлиман, бир эшитган нарсамни тоза билиб олмасам тинчимайдиган феълим бор. Олимни излаб топдим. Гаплашдим. Ажойиб инсон экан. «Ўлкашунослик мақсадида кезиб юрибмиз. Халқимизнинг ҳаёти, миллий урф-одатлари, тарихини жойларда ўрганишдан яхши иш борми? Миллий ўтмишга оид эски китобларни, осори-атиқаларни йиғаяпмиз. Қўшробот — қадимги манзиллардан. Оти айтиб турибди: Қўшро-бо-от! Мана келдик, ватанингизга» дедилар Яҳё ота кулимсираб. «Мен сизларга ёрдам бераман!» дедим. Олимнинг: «Мактаб нима бўлади» дейишига ҳам қарамасдан уларга ёрдамга киришиб кетдим. Яҳё Ғуломов кўнглимда мақсад чироғини ёқди. Улар билан атроф туманларда, ўнлаб қишлоқларда юриб кўп нарса тўпладик. Мен ўлкашуносликка қизиқиб, Яҳё ота бошлаган ишни Қўшроботда давом эттирдим. Уйма-уй юриб, ўтмишга тобин нима бўлса, йиға бошладим. Тенгқурларим: «Туппа-тузук муаллим эдинг. Мактабни ташладинг, сени нима жин урди? Бу эски-тускиларни бошингга урасанми? Тағин ёнидан пул сарфлаб бу лаш-лушларни сотиб олаяпти, деб эшитдик. Нима, девона бўлиб қолғанмисан?» деб кула бошлашди. Шу-шу, туманда отим «Ойдин девона»га чиқди...

Ойдин ака билганидан қолмади. Осори атиқалардан уйида музей очди. Яна тўплай бошлади. Ўлкашунослик изланишлари пайтида, айниқса, шу ерлик буюк бахшилар Эргаш Жуманбулбул, Пўлкан шоирга таллуқли ноёб буюмлар алоҳида диққатни тортади. У ғайрат отига миниб Қўшроботдан кейин Хатирчи, Пайариқ, Иштихон туманларини кезди, Қўрғон, Қўштамғали, Қоракисса, Тепалик, Жўш, Оқ мачит қишлоқларида бўлиб, Қўрғон достончилари яшаб ўтган даврлардан қолган кийим-кечак, дўмбира, Эргаш отадан қолган қаламдон, Бухоро мадрасасида ўқиган даврдаги сандиқчаси, чопони, кўрпа-ёстиқлари, кийган калиши, шоирнинг ўзи ясаган сандал, ов милтиғи, ярғичоғи (қўл тегирмони) кабиларни топди. Уларни музейга қўйди. Уйидаги музейни эшитиб, узоқ-яқин қишлоқлардаги мактаблардан ўқувчилар кела бошлади.

1978 йилда Эргаш Жуманбулбул таваллудининг 110 йиллиги нишонланди. Шу воқеа сабаб, Қўрғонда Эргаш шоир уй-музейи учун майдон ажратилди. Катта музей биноси қурилди. Ойдин ака бисотида борини ана шу музейга кўчирди. Музей атрофида боғ барпо этилди. Боғда шоирнинг ҳайкали қад кўтарди. Бугун Эргаш Жуманбулбул уй-музейи республиканинг диққатга сазовор қадамжоларидан бири бўлиб қолди.

— Бу Ойдин бало эканку? Унинг боғи, ташкил этган музейи катта зиёратгоҳ бўп қолди, — дейишди охир-оқибатда ёру биродарлари кулишиб.

— Музейга келувчилар йил сайин кўпаймоқда. Менинг шу музейни яратишга сарфлаган меҳнатим кенг жамоатчилик томонидан қадрланмоқда. Шундай ишга қўл урганимдан мамнунман. Бугун боғ ва музей назоратини келиним Саодат Синдоровага ишониб топширдим. У сидқидилдан ишлаяпти, — дейди биз билан суҳбатда Ойдин ака.

Биз ҳам бу музейда бўлдик. Атрофида яшнаб турган боғни кўрдик. Эргаш отанинг дўнг пешонаси офтобда ярақлаб, қўлидаги дўмбираси «Сайраб юбораман!» деган бир ҳолатда турган ҳайкалини маҳлиё бўлиб томоша қилдик ва ич-ичимиздан таҳсин ўқидик: «Қани, халқимиз орасида сиздай, эзгуликка ўзини бағишлаган девоналар кўпайса, Ойдин ака!»

Қатралар

Кўкда бадқовоқ, қора булутлар лапанглаб ўрмаламоқда. Аммо қанчалик бадқовоқ, қанчалик қора, ваҳимали бўлмасин, барибир, шу булут салтанати бағридан ерга яхшилик, ҳар томчиси оби-ҳаёт бўлган ёмғир ёғади. Табиатнинг оналигига тараф йўқ!

* * *

Автобус ўриндиғининг орқасига пичоқча билан ўйиб, тирнаб лотин имлосида шундай сўзлар ёзилибди: «Nodira+Asad= bir qarashda muhabbat»... Афсуски, янги имло саводхонлиги ўзини гоҳида шу тарзда кўрсата бошлаяпти.

* * *

Йўловчи бекатдаги ўриндиққа чўкди ва оёғи остида ер билан битта бўлиб сочилиб ётган писта пўчоқлари, қийқим қоғозлар ва бошқа ахлатларга кўзи тушиб, тажанглиги тутди-да:

— Нега ҳамма ёқ ифлос? Фаррошлар қаёққа қарашяпти? Борми улар ўзи? Одамлар ҳам ўз шаҳрининг тозалигини мутлақо ўйламайдиган бўлиб қолишаяпти, — деб, қўлидаги чала чекилган сигаретни бекатга зарда билан улоқтирди ва... тозароқ жой излаб кетди.

Ҳикмат бўстонидан

Шарқнинг буюк донишмандларидан бири Ануширавоннинг асли исми Хисрав I бўлиб, «Ануширавон» унинг тахаллусидир. Баъзи манбаларда «Нуширавон» деб ҳам юритилади. «Ануширавон» сўзининг маъноси «Абадий руҳ соҳиби», «Ўлмас руҳ эгаси» демакдир. Отаси, шоҳ Кай Қубод вафот этганидан сўнг (531 йил) Ануширавон унинг тахтини эгаллайди (531-579) ва ўша даврдан қолган солномаларда у адолат тимсоли сифатида мадҳ этилади.

Ануширавоннинг сиёсат, давлат бошқаруви, халқ ва унга муносабат, адолат, ахлоқ масалаларида баён этиб қолдирган шундай фикрлари, қарашлари борки, улар асрлар оша ҳикмат дурдоналаридай яшаб келмоқда... Шарқнинг яна бир машҳур китоби — «Қобуснома» муаллифи Кайковус Ануширавон айтганларини таърифлар экан, «бу сўзлардин ҳам ҳикмат, ҳам салтанат иси келур» дейди. Келинг, шу ҳикмат булоғидан бир қатра баҳраманд бўлайлик.

Ануширавон пандлари

Ануширавондан: «Сен айниқса кимларнинг ақл-идроклиинсонлар бўлишини хоҳлардинг?» деб сўрашибди. «Душманларимнинг, — дебди шоҳ. — Улар эсли-ҳушли одамлар бўлсалар, ёвузликка осонликча қўл урмайдилар».

***

— Фарзандларим орасида ор-номусни баланд тутадигани, эл-улус юзига оёқ босмайдигани, ҳалол, тўғрилик ила янада юксакроқ эътибор топишга интиладигани мен учун севимлидир, — дебди Ануширавон.

— Ахир ҳаммаси ўз фарзандларинг бўлса, нега уларни баб-бараварига севмайсан? — деб сўрашибди ундан.

— Мен учун фарзанднинг ўзи эмас, балки унинг одоби, диёнати азиздур, — дебди шоҳ.

***

«Қобуснома» муаллифи далолат беришича, Ануширавон яна нафас қилибдики:

— Агар беобрў бўлмайин десанг, яхшиликни касб қил.

***

— Агар шармисор бўлмайин десанг, қилмаган ишни қилдим дема.

***

— Узоқ пушаймонликдин холис бўлмоқни тиласанг, кўнгил ҳавоси била иш қилмагил.

***

— Агар тилинг узун бўлмоқни тиласанг, қўлингни қисқа қилгил.

***

— Агар барча одамдин юқори бўлмоқни тиласанг, вафолиғ бўлғил.

***

— Агар халойиқнинг ёмон сўзларидан йироқ бўлмоқни тиласанг, улардан зўрлиғ била ҳеч нарса олмагил.

***

— Ҳар кишининг билими бўлса-ю, аммо унга лойиқ ақли, виждони бўлмаса, бу билим унга зарар етказгусидир.

***

— Агар ҳар кишини турмушдек устоз доно этмаса, ҳеч бир доно унга сўз ўргатиш учун ранж этмасин, ранжи зое бўлур.

***

— Агар ёру дўстлик бўлмоқни тиласанг, сергиналик бўлмагил.

***

— Агар ранжишдин узоқ бўлмоқни тиласанг, битмайдиган иш учун уринмагил.

***

Модомики, кеча ва кундуз келадур ва кетадур эркан, дунёдаги барча ҳолларнинг ўзгариши ва алмашиниб туришидан таажжубланмагил.

***

— Агар юзимнинг пардаси йиртилмасин десанг, бировнинг юз пардасин йиртмагил.

***

Агар халқ сенинг сўзинг била иш қилмоғин тиласанг, сен ўз сўзинг била иш қилгил.

GURUNG

Тарих ҳазиллари

ЭНГ ОДИЛ ҲАКАМ

Милоддан аввалги 356 йил... Бу йил — қадимги Юнонистоннинг Эфрос шаҳридаги Артемида ибодатхонаси Герострат деган шахс томонидан ёқиб юборилган сана сифатида инсоният солномаларидан ўрин олган. Аммо шу ҳодиса билан боғлиқ бўлган яна бир воқеа ҳам борки, уни тарихда кам эслашади. Бу — Афина сенатида Герострат устидан уюштирилган суддир.

Маълумки, Герострат номини абадиятга муҳрлаб қолдириш мақсадида, даврида етти мўъжизанинг бири ҳисобланган машҳур ибодатхонага ўт қўйган. Афина суди бу масалани атрофлича тафтиш этиб, Геростратни ёвуз ниятидан мосуво этиш мақсадида, ғоятда кутилмаган жазо чорасини белгилаган: Сенат ҳукмига биноан, одамзот Геростратнинг номини ҳам, унинг жиноий қилмишини ҳам мутлақо унутиши шарт эди. Бундай ҳукм Геростратга нисбатан, чиндан ҳам, адолатли эди. Мазкур ҳукмни ўйлаб топганликлари учун Сенат суди аъзоларига: «Балли!» дейилса, арзир эди.

Аммо... тарих ҳукми бошқача бўлди. Герострат ҳам, у ўт қўйган Артемида ибодатхонаси ҳам инсоният томонидан эсланмоқда. Яна эсланаверади. Гўё тарих Афина сенатининг ҳукмини кулги қилгандай, Геростратдай аблаҳнинг эса тарафини олгандай бўлди.

Бироқ... хулосада шошилмайлик.

Тарих қарори инсоният хотирасининг ҳукмига асосан юз беради. Бу хотира, масалан, афсонавий Прометей оловни инсониятга ҳадя этганлиги учун минг йиллардан буён миннатдор бўлиб ёдга олади. Геростратни эса, Прометей одамзотга берган оловдан фойдаланиб, ер юзидаги мўъжизалардан бирини ёқиб, кул қилган кимса сифатида хотирлайди. Ғазаб, нафрат билан хотирлайди. Бу — Афина судининг ҳукмидан минг марта адолатлироқдир.

Герострат, инсоният назарида, ўз шахсий шон-шуҳрати йўлида ҳеч нарсадан тоймайдиган, худбин, телба руҳли кимсаларнинг рамзига айланиб қолди. Инсоният назарида Гитлер, Сталин, Бен Лодин ва бошқа террорчилар замонамиз геростратларидир.

Ҳа, тарих ҳеч кимни ва ҳеч нарсани беоқибат қолдирмайди. Инсоният хотираси ҳаммани «ўз насибаси» билан эслайди. Хотира ҳукми — энг одил ҳакам.

Бундан огоҳ бўлинг

Озон қатлами қандай йиртилмоқда?

Стратосферада, яъни Ер курраси сиртидан 20-25 километр баландликда озон қатлами мавжуд. У ер юзидаги барча тирик мавжудотни зарарли космик нурлардан ҳимоя қилади. Агар ана шу қатлам бўлмаганида, Қуёш сайёрамизни куйдириб-ёндириб, унда ҳаёт асарини қолдирмас эди. Мана, озон қатлами бутунлиги нима учун зарур!

Афсуски, ҳозирги пайтда Ер сайёрасининг озон «кўйлагида» «йиртиқлар» пайдо бўлмоқда. Тўғри, ҳали бу «йиртиқлар» таҳликали миқёсда эмас. Олимлар бундай «йиртиқлар»дан бирини Жанубий қутб устида кузатган бўлсалар, иккинчисини (бироз кичикроғини) Арктика, Шпицберген устида аниқладилар.

Озон йиртиқлари қандай пайдо бўляпти? Улар ҳаво қатламларига хлорли ва фторли углеводородлар тушиши таъсирида вужудга келмоқда. Бизу сиз бу газлардан холодильник ва кондиционерларда аэрозоль халтачаларида «музлатгич» сифатида фойдаланилишидан хабардормиз. Хуллас, мана шу газлар Ернинг стратосфера қатламига кўтарилиб, бу қатламларда ўн йиллар мобайнида яшайди ва хотиржамлик билан, аввал килограммлаб, кейин бўлса тонналаб озон қатламини емира бошлайди. Бунинг оқибати эса даҳшатли: озон қатламининг «йиртилган» жойидан Қуёшнинг атмосферада тозаланмаган ультрабинафша нурлари тўппа-тўғри Ерга етиб келади, ўсимликлар, денгизлар ва океанлардаги микроорганизмларни ҳалокатга юз туттиради. Энг ёмони, одамларда турли бедаво дардларни, масалан, тери саратонини кўпайтириб боради.

Инсоният озон қатлами бузилишининг хатарини ҳис этиб, унинг олдини олиш мақсадида, ўзаро келишувларга бормоқда. Бугун бу масалага доир халқаро шартномалар мавжуд. Ушбу битимларга биноан 1998 йилга келиб Ер юзида озон қатламини емирувчи хлорли ва фторли углеводородларни саноатда қўллаш тамомила тўхтатилиши лозим эди. Афсуски, юқоридагидай шартномалар айрим давлатлар томонидан имзоланмаган. Бунинг оқибатида, шартномалар тўла куч билан ишламаяпти ҳамда хлорли ва фторли углеводородлар атмосферага чиқарилмоқда. Ва озон қатлами емирилиши давом этмоқда.

Нур фалсафаси

Тунлардан тўғилиб
Қадам ташладими,
Матлаби,
Қисмати
Битта —
Зиёнинг:
У йўлга тушдими,
Иш бошладими —
Ёриштирмай қўймас
Дунёни...

МУҚТАДИР

Луқма

Сўз эркинлиги шуми?

Бир тижорат газетаси ўз саҳифасида олис Тўрткўл туманида яшовчи қизнинг севган йигитига ишқий мактубини чоп этди. Қиз мактуб охирида маҳбубига ўзини «Сенинг Паломанг» деб таништирибди. Бу қиз, кўриниб турибдики, туз-намагини тотиб юрган дастурхонини, миллатининг қадриятларини танимайди. Шу эл маънавиятидан озиқланганида, у йигитига ўзини балки «Сенинг Зухронг», «Сенинг Ширининг», «Сенинг Кумушинг» деб таништириши мумкин эди. Аммо бундай бўлмаган. Янаям ажабланарлиси, миллатимиз «Паломаси»даги бу, хорижий кино қаҳрамонига саждакорликни тижорат газетамиз байроқ қилмоқда.

Мана шу тарзда, ички айнишлар юз бермаяптими?

***

Яна бир тижорат газетасида ҳаваскор шоиранинг қуйидаги «антиқа» байти халққа тақдим этилади:

Мени алдаб қўйинг, ўйлаб ўтирмай,
Майли, алдайверинг, билганингизча...

Алданишга кўнгли ўта мойил маҳбубанинг бундай уятсизлиги ва қизларни алдашга бесуяк йигитнинг сурбет маънавий қиёфаси минг-минг нусхада шу қадар ардоқланиши зарурми?

Наҳотки шу ҳолатлар сўз эркинлиги неъмати бўлса?!

Бешикдан — қабргача илм изла.

Ҳадиси Шарифдан



Даврон АҲМАД сурат лавҳаси.

«Халқ сўзи»га мактуб

Дафтарлар — санъат афишасими?

Мен — ўқитувчиман. Шу сабабдан, ўқувчи ёшларга таллуқли ҳар бир масала мен учун муҳим туюлади. Мана, дафтарларни олайлик. Очиғи, дафтарлар таълим-тарбия манфаатини кўзламасдан, аксинча, асосан тижорат манфаатига қул бўлиб қоляпти.

Бир вақтлар ўқувчиларнинг дафтарларида улуғ олимлар, адиблар, миллий қаҳрамонлар сурати бўларди. Муқованинг сўнгги саҳифасида карра жадваллари бериларди. Уларнинг ҳаммаси ўқувчилар учун зарур эди. Бу анъаналарни унутмайлик. Бугун-чи? Нуқул эстраданинг ёш хонандалари, миллий ва жаҳон киносида роль ўйнаган артистлар... Дафтарлар гўё афишага ўхшайди.

Биз миллий ғоямизга эгамиз. Мустақилмиз. Дафтарлар безаги ҳозирги янги ҳаётнинг педагогик мақсадларига хизмат қилсин. Масалан, қани энди, дафтар муқоваларида Президентимизнинг ҳозирги ёшлар, таълимга доир фикрлари берилса. Ёки дафтар муқоваларининг биринчи бетида пойтахтимизнинг Алишер Навоий номли Миллий боғидаги шоирнинг муаззам сиймосини кўрсакда, муқованинг охирги саҳифасида улуғ шоирнинг:

«Камол эт касбким,
олам уйидин
Сенга фарз ўлмагай
гамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотамом
ўтмоқ, биайниҳ,
Эрур ҳаммомдин
нопок чиқмоқ», —

деган ва инсонни маърифатли бўлишга чорловчи ҳикматлари берилса. Дафтарлардан А.Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ойбек, Ҳабиб Абдуллаев, Яҳё Ғуломов каби миллат шаъни фидойилари ва уларнинг эзгу сўзлари жой олса.

Дафтарлар безаги ҳам таълимга хизмат қилсинда?! Умуман, дафтарлар ноширлиги ўз ҳолига ташлаб қўйилмаслиги лозим. Улар ёшларимизни ичдан бузмасин. Бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Зиёдулла ТУРСУНОВ,
Яккабоғ тумани,
Ғуржоб қишлоғи.

Саҳифани Михли САФАРОВ тайёрлади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1357. 21071 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

(т) -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Ориповa.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — А. Самадов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.15 23456